



МУҲИМ ВАЗИФА

Кейинги пайтда болалар ўртасида йўл-улов ҳодисаларининг олдини олиш, бахтсиз воқеаларни камайтириш учун анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Лекин... Келинг яхши рақамларга мурожаат қилайлик. Туманимиз бўйича 1989 йилда 37 та йўл-улов ҳодисаси юз бериб, уларда 34 нафар бола тан жароҳати олган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 36 тани ташкил этди. Уртадаги фарқи кўриб турибсиз.

Энди мана шу кўнгилсиз воқеалар нима сабабдан камайганлиги тўғрисида фикримизни билдирмоқчимиз. Маълумки, сўнгги даврларда мактабларда 17 соатлик «Йўл ҳаракати қондалари» дarsi ўтила бошланди. Бундан ташқари мактаблараро «Яшил чироқ» деб аталган кўрик-конкурслар ташкил этилгани ҳам яхши. Шунингдек, жумҳурият телевидениеси орқали ана шундай тадбирларнинг кўрсатиб борилаётгани нур устига нур бўлмоқда. Бу ишлар, албатта, ўз самарасини беришмоқда. Лекин болалар ўртасида йўл-улов ҳодисасидан жароҳатланиш, ҳаётдан бевақт кўз юмиш каби воқеалар камайгани. Нима учун?



Биз ҳам ана шу саволга жавоб топиш мақсадида яқинда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактабларда «Йўл ҳаракати қондалари» сабоқларининг ўқитилиши сифатини ўрганиб чиқдик. Натيجада 1-, 14-, 23-, 41-, 43- ва 52-мактабларда бу иш намунали ташкил қилинганга ишонч ҳосил қилдик. Бу даргоҳларда ана шу дарс ўтиладиган синф хоналари эътибор билан жиҳозланган, ёш ҳаракат инспекторлари отрядлари тузилган, бошланғич синф ўқувчиларининг мактабгача келиб-қетиш картаси тузилган. Унга мувофиқ навбатчи ўқитувчилар болаларнинг мактабга келиши ва қайтишида уларни

йўлнинг хавфли жойларидан ўтказиб қўядилар.

Бироқ 20-, 34-, 47-, 54- ва 40-мактабларда «Йўл ҳаракати қондалари» дарслари ўтилмаган, синф журнали юртишда кўплаб чалкашликлар мавжуд. Онда содда ўтилган дарслар ҳам хўжа-кўрсинга бўлган, ўқувчилар билими баҳоланмаган. Ўқитувчиларнинг на дарс режаси, на бирор қўлланмаси бор. Нима учун бундай аҳвол юз бераётгани сўралганда, юқорида тилга олинган мактабларнинг раҳбарлари турли баҳоналарни рўқач қилишди. Ахир, гап болалар ҳақида кетаётганини наҳотки улар тушунишмаси?! Турли хил машиналар кўпайган ҳозирги кунда бу нарсага лоқайдлик билан қарашни нима деб аташ мумкин? Гўдаклар жароҳат олганда бундай кишилар қандай аҳволга тушар экан? Улар ўзларини айбдор деб тан олишармикан? Афсуски, бу саволларга жавоб топиш қийин.

Тўғри, гўдаклар саломатлиги учун, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун жон куйдираётган жамоалар оз эмас. Ана шулар кўз олдинга келганда, кўнглинг бироз таскин топади. Шундайлардан бирини 43-ўрта мактабдир. Бу илм даргоҳининг «Сигнал» ёш ҳаракат инспекторлари отряди «Яшил чироқ» жумҳурият телевидение кўрик-конкурсида фахрли учинчи ўринни эгаллади. 14-ўрта мактабнинг «Чорраҳа» отряди эса жумҳурият «Хавфсиз гўлдирак» мусобақасида шарафли 1-ўринни қўлга киритди. Демак, бу ишни бемалол бажарса бўлади. Фақат озгина қўнт, ҳафсала керак. Болалар ҳаётини муҳофаза қилиш — доимий ва энг муҳим вазифа бўлиши шарт.

**Х. ЭЛИБОВ,
Р. ЯРАШЕВ,
Пайариқ тумани ИИБ
ДАНИЕ ХОДИМЛАРИ.**



Сирдарё шаҳар ва тумани ички ишлар бўлими ходимлари она-табиат бойлиқларини асраш борасида ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Бугунги кунда уларнинг асосий диққат-эътибори Сирдарё соҳилига қаратилган. Чунки ёшнинг жазирасидан наҳот истаб, сув бўйига чиққанлар орасида браконьер (ўғриовчи)лар ҳам бор.

СУРАТЛАРДА: милиция катта сержанти Рустам Жаниев, участка вакили милиция катта лейтенанти Наримон Омарбековлар иззатини билмаган меҳмон — Чимкент вилоятининг Келес туманида яшовчи Урнибосар Шербоевни қондага хилоф равишда ов қилаётганида ушлашди. Шербоев тўрига илинган балиқлар. Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

«Шу кунларда кўпчиликни бир нарса қизиқтирмоқда. «Эртага нима бўлади? Индинга-чи? Бир йилдан кейинчи? Мен-ку бир кунимни кўрарман, лекин фарзандларимнинг келажакни қай ҳолатда кечаркан?» Узимизни қанчалик чалғитишга ҳаракат қилмайлик, барибир мана шу саволлар ҳаёлимизга қайта-қайта ёпирилиб келаверади. Чунки бир томонда нарх-наво, иккинчи томонда эса хилма-хил қаллоблугу найрангбозликлар кучайиб бораётган замонда ўйламасликнинг иложи ҳам йўқ. Ана шу сатрлар билан бошланувчи кўриқдаги сарлавҳали мақола рўзномамизда чоп этилган, ўқувчиларимиздан жуда кўплаб мактублар олдик. Уларда баён этилган фикрларнинг айримларини ҳам рўзнома саҳифаларига олиб чиқдик. Шу билан мақолани тегинли идораларга

«ПУЛ КЕРАКМИ?..»

ҳам жўнатган эдик. Мақсадимиз у ердаги мутахассисларнинг фикрини билиш эди.

Бугун биз ана шу мулоҳазаларнинг айримлари билан сизларни таништирмоқчимиз. Фикримча жумҳурият ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси ҳисоблаш марказининг катта мутахассиси Абдуваҳоб Қўрғонбоев «Пул керакми?..» мақоласида жуда долзарб мавзуга қўл урган. Шу сабабли ҳам ушбу мавзу жуда кўпчилигини рўзнома саҳифаларида ўз фикрларини билдиришга чорламоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ички ишлар ходимларини қизиқарли баҳслар орқали бугунги кундаги

иқтисодийимиз муаммоларини ҳақида ўйлантиришни ўзини катта иқобий аҳамиятга эга, деб ўйлаётган.

Муштарийларнинг фикр ва мулоҳазалари билан танишар эканман, бир нарсага эътибор бердим. Улар (ўта муҳим бўлса-да) пул муносабати масалаларини компьютерлаштириш мавзуси билан чегараланиб қолмасдан, ҳаётимизнинг турли томонларида иқтисодий адолат ўрнатиш тўғрисида қизғин баҳслашмоқдалар. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Шу сабабли мен рўзнома жамоасига мана шу иштиқболли баҳс ва изланишларни иқтисод, техника, бошқариш соҳасидаги жумҳуриятимизнинг етакчи олим ва мутахассислари-

ни жалб қилган ҳолда янада чуқурроқ ишлаб чиқишда ва ўрни келганда жумҳуриятимиз ҳукуматида обдон ўйланган, пишиқ ва содда иқтисодий чоранинг режасини топишида куч-қувват ва тошқирлик, ижодий ютуқлар тилайман.

А. ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон жумҳурияти Президенти девони давлат-ҳуқуқ бўлими маслаҳатчиси.

УзССР молия вазирлиги «Поетда» рўзномасининг 1991 йил 15 март сониде чоп этилган «Пул керакми?..» номли мақоласи билан танишиб чиқиб, сизга қуйидагиларни маълум қилади.

Мақоладаги кўтарилган саволлар иқтисодийимизнинг энг муҳим масаласи бўлган пул муомаласини тартибга солишга қаратилган. Пул-молия муомаласини турғунлаштирмасдан ва такомиллаштирмасдан туриб, ҳеч қандай иқтисодий ислохотни амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли ҳозирги кунда жумҳурият ҳукумати етук иқтисодчи олимлар билан бирликда бу масалалар устида ишлашпти. Молия вазирлиги «Пул керакми?..» мақоласида кўтарилган саволларни яна ўрганиб чиқадилар ва лозим топсалар, ўртоқ А. Қўрғонбоевнинг фикрлари билан тўлароқ танишиш мақсадида у кишини кўрсатилган масалага бағишланган кенгашларнинг бирига таклиф этадилар.

С. БУЗРУКХУЖАЕВ,
ЎзССР молия вазирлиги ўрнибосари.

ЧИҚИШЛАРИМИЗ
ИЗИДАН

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Шу йил 4 июнь кунин рўзномамизда Бухоро вилояти ИИБ ДАНБ 2-поҳида ротаси командири милиция майори Ж. Олламовнинг «...БХОлар тўхтатиладими?» сарлавҳали мақоласини чоп этгандик. Яқинда ана шу мақола юзасидан УзССЖ ИИБ ДАНБ бошлиғи ўринбосари милиция майори А. Оқилвондан жавоб хати олдик. Мазкур хатда шундай дейилади:

«...Қатнов интизомини таъминлашга даъват этилган ДАН ходими биринчи навбатда йўл ҳаракати қоидаларига таянган ҳолда хизмат бурчини ўташи керак. Шунинг учун мажбур тартибқоидага хилоф ҳар қандай оғзаки кўрсатма инспектор учун аҳамиятсиз ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудиде, шу жумладан, Бухоро вилоятида ҳам йўл қатновиде бирон-бир имтиёзга эга бўлган машинани йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда ДАН инспектори йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳар бир транспорт воситаси ҳайдовчисини тўхтатиб, унга нисбатан УзССЖ маъмурий ҳуқуқбузарлик мажмуаси асосида тегишли чора кўришга ҳақли.

Шунинг учун ўртоқ Олламов бошлиқ рота ходимлари ҳар хил оғзаки кўрсатмаларга эмас, бурч тақозосига асосланиб, вазифаларини адо этишлари керак».

ҚУВУР
ОРҚАЛИ
ОМБОРГА

Термиз шаҳрига болалари учун уст-бош харид қилгани келган аёлнинг ёнига бир киши яқинлашди.

— Сизга бирор нарса керакми? Ҳозир дўконлардан ҳеч нарса топиб бўлмайдди. Юринг, мен сизни бир жойга олиб бораман. Истаган буюмингизни сотиб оласиз. Нархи ҳам унчалик қиммат эмас.

Содда аёл лаққа тушиб, унинг орқасидан эргашди. Машина «Коммунизм» жамоа хўжалигининг 24-бригадаси чеккасида тўхтади. Талончи Г. Бойқуловнинг 1220 сўмини тортиб олиб, кўздан ғойиб бўлди. Жабрида Жарқўрғон тумани ИИБга кўз ёшларини дарё қилиб кириб келди.

Оператив гуруҳ ишга киришди. Милиция сержанти П. Бобоқулов Термиз йўлига чиқди. «Октябрь» 40 йиллиги жамоа хўжалигига кираверинида такси машинасига ўтиришга тарадудланаётган кимсани жабрланувчи таърифлаган жиноятчига ўхшатди.

Терговда О. Отақуловнинг 1978 йилда УзССЖ ЖМнинг 125-моддаси, 1983 йилда 114-моддасининг 2-қисми билан судланганлиги маълум бўлди.

Бир соат ўтар-ўтмас Г. Бойқулова пулларини қайтиб оларкан, милиция ходимларини тинмай дуо қиларди.

Шу йилнинг 2 апрелидан 3 апрелига ўтар кечаси Жарқўрғон шаҳридаги савдо базасининг атторлик омборхонаси деразасига ўрнатилган ҳаво алмаштиригич қувири орқали кирган ўғри 7300 сўмлик молларни ўмарди.

Оператив гуруҳ жиноятчини тезда қўлга олди. Бу икки жиноятни очишда қатнашган гуруҳ аъзолари вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

Эшмўмин НУКАРОВ, истафодаги милиция подполковниги.

ҲУҚУҚИЙ САВОҚ **ҲАММАСИ
АДОЛАТ УЧУН**

Маълумки, 1990 йил 10 апрель кунин «ССЖИ ва иттифоқдош жумҳуриятлар жинной-судлов ишларини юргизиш Асосларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Янги Қонун бўйича дастлабки терговнинг бошланғич даврида ҳимоячи иштирок этиши мумкин бўлди.

Шу кунларда рўзномамиз мухлислари таҳририятимизга мактуб йўллаб, ана шу янгиликни кенгроқ шарҳлаб беришимизни сўрашапти. Биз эса уларнинг илтимосларини УзССЖ ИИБ тергов бошқармаси терговчиси милиция катта лейтенанти Неъматжон ЖОНУЗОҚОВга етказдик.

қочирмаслик керак. Ҳимоячи ўз ҳимоясига олган шахсга қонун билан мустаҳкамланган ҳамма ҳуқуқларини, яъни қандай жиноят содир этганлигига қараб баёнот ва кўргазма беришга, суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳаракатлари, уларнинг қабул қилган қарорлари юзасидан шикоят қилишга раддия ва илтимос этишга ҳақли эканлигини тўғрига бурчлидир. Бу ишлар мазкур шахс ЖПМнинг 405-моддаси тартибига кўра ёки 78-моддага асосан қамоққа олингандан сўнг дарҳол амалга оширилиши керак.

Энди ҳимоячи хизмати учун ҳақ тўлаш масаласи бўйича.

Бу ҳақда УзССЖ Адлия вазирлиги томонидан 1990 йил 10 апрель кунин тасдиқланган К-12-208 рақамли қўлланмада тўла маълумот берилади. Унга кўра, адвокатнинг терговда ҳимоячи сифатида қатнашган ҳар бир кунин учун 50 сўмдан, оғирроқ ишлар учун эса ундан кўпроқ миқдорда ҳақ тўланади. Баъзи ҳолатларда адвокатнинг юқори маалаки эканлиги ёки айб-

ланувчининг фақат бир адвокатни тайинлашлари бўйича илтимоси инobatга олинганлиги назарда тутилади. Бундай пайтларда қўлланмада кўрсатилгандан кўпроқ ҳақ олиш мумкин.

Ҳимоячи ишда иштирок этиш истагини билдирган захоти бу ҳақда тергов олиб борилаётган жойдаги ҳуқуқий маслаҳатхонага талабнома юборилади. Агар иш кунидан бошқа вақтларда гумондорга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилса ёки вақтинчалик ушлаб турилса, ҳимоячини таклиф этиш ҳақидаги сўров эртаси кунин биринчи иш соатида берилади. Лекин шунин ҳам унутмаслик керакки, ССЖИ Адлия вазирлигининг 1989 йил 13 декабрдаги К-7-622 рақамли кўрсатмасига асосан ҳуқуқий маслаҳатхоналарда ҳар кунин, ҳатто байрам ва дам олиш кунлари ҳам навбатчилик ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган. Асосларнинг 22-модда 6-қисмида эса маслаҳатхона мудирин ёки адвокатлар ҳайъати президиуми гумондор ёки айбланувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳимоячи ажратишга маж-

бур, деб кўрсатилган. Қонунда ана шу нарса қатъий белгилаб қўйилганки, гумондорга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилган ёки вақтинчалик ушлаб турилган ҳолларда бундай мажбурият 24 соатдан кечиктирилмай адо этилиши зарур.

Муқаддам ҳимоячи эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган айбланувчи билан яқна тартибда учрашув ўтказиши мумкин эди. Энди эса Асосларнинг 23-моддасига кўра, унга гумондор билан биринчи сўроқдан сўнг яқна тартибда учрашишга рухсат этилади. Бу учрашув сонини ва давомийлигини чеклаб бўлмайдди. Лекин ҳимоячи вақтинчалик ушлаб туриш хоналарида учрашув ўтказганда айбланувчилар учун жорий қилинган тартибга қатъий бўйсунуши талаб этилади. Яна шу нарсани эсда тутиш лозимки, учрашувга ҳимоячи ишга киришиши тўғрисида терговчи рухсатномасидан сўнггина ижозат берилади.

Баъзи ҳолларда гумондор ёки айбланувчи ҳимоячи ёрдамидан фойдалангани учун ҳақ тўламаслиги ҳам мумкин. Бу фақатгина терговчи томонидан ҳал этилади. Зарур бўлиб қолганда, терговчи уни ҳақ тўлашдан қисман ёки бутунлай озод қилиб, ҳимоячи меҳнати учун тўланадиган ҳақни давлат ҳисобидан қоплаш ҳақида қарор чиқаради. Сўнгга ички ишлар бўлими бошлиғи ҳуқуқий маслаҳатхона мудиринга бу ҳақда ёзма равишда хабар қилади ва терговчи қарорини нухасини қўшиб юборади.

Уйлаимизки, бу янгилик тергов маданиятини оширишда, жиноятни атрофлича ўрганиб, мукаммал ҳулоса чиқаришда, умуман айтганда, адолатни таъминлашда кучли омил бўлади.

Неъматжон ЖОНУЗОҚОВ, УзССЖ ИИБ тергов бошқармаси терговчиси милиция катта лейтенанти.

«Маданий» ҳордиқ баҳоси


1991 йил 16 июнь, яншаба. Соат 15. «Зомин» давлат хўжалиги бош зоотехниги Расул Кўчаров «маданий» дам олиш ниятида халқ бори томон машинасини бурди. Йўл-йўлақай улфатларини ҳам машинага ўтказиб олди. Магазиндан ароқ харид қилишни ҳам унутишмади. Роса «мириқиб» дам олишгач, уйга қайтишмоқчи бўлишди. Шишадолари Расулнинг кайфи роса ошиб қолганини сезишгани учун машинасига ўтиришга унашмади. Шундан сўнг Р. Кўчаров ўзига тегишли бўлган В 15-90 ДД рақамли «Москвич-412»

маркали машинасини чайқалтирганча ҳайдаб кетди. Ўз кучига, чаққонлигига ишонгани учунми, катта тезликда борарди. Аммо...

Рулни бошқара олмай қолган Р. Кўчаров йўл чеккасида автобус пойлаб турган «Зомин» санаторийсида ишловчи Иномжон Файзуллаевни туртиб юборди. Қаттиқ тан жароҳати олган И. Файзуллаев шифохонга юборилди.

Р. Кўчаров эса бугунги кунда «маданий» ҳордиқнинг қимматга тушганидан афсусланиб ўтирибди.

Илҳом ЮНУСОВ.



Ҳонқа туманида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. СУРАТДА: туман ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Қадам Урозметов, бошлиқ ўринбосари милиция майори Худойберган Раҳмонов ва ҳуқуқбузарлик олдини олиш бўлими бошлиғи милиция майори Бахтиёр Оллабергановлар янги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

КЎКНОРИЗОРЛАР ТУГАТИЛДИ

Маълумки содир этилаётган оғир жиноятлар «кўпинча гиёҳвандлар «ҳисса»сига тушмоқда. Шунинг учун ҳам милиция ходимлари захриқотил «ижодкорлари»га қарши доимо муросасиз кураш олиб бормоқдалар.

Риштон тумани ички ишлар бўлими ходимлари аҳоли орасида кўплаб тушунтириш ишларини олиб борганлар. Лекин шунга қарамай қонунни кўр-кўрона бузувчилар ҳамон учрамоқда. Яқинда туман ҳудудиде ўтказилган «Қорадори» операциясидан сўнг бир неча кўкнори ўстирган фуқароларни жавобгарликка тортишга тўғри келди. Бешкала қишлоғида

яшовчи Аҳмаджон Ҳайдаров, Қўзибой Тўйчиев, Жалаер қишлоғидан Тўхтасин Усмонов ва Қўчқор Мирзаевлар шулар жумласидандир. Заҳарли гиёҳлар эса йўқ қилинди.

Туман бўйича рўйхатга олинган кўкнори этиштирувчиларнинг ярмига яқинини бешсапаликлар ташкил этади. Ажабланирлики шундаки, ўғирлик ва бошқа турдаги жиноятлар ҳам айнан ана шу ҳудудда кўплаб содир бўлмоқда. Эҳтимол, бу ҳам кўкнорифурушлар билан боғлиқдир?!

Эшмўмин ОБИДОВ, милиция катта лейтенанти.



Шўрчи тумани ички ишлар бўлими участка инспектори милиция катта лейтенанти Одил Зокиров фақатгина ҳаммасларни ўртасида эмас, балки ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисини ўртасида ҳам катта ҳурмат қозонган. СУРАТДА: О. Зокиров фуқаролар билан. Ҳабнбулла ШОДИЕВ олган сурат.

Поезд бир меъёрда олдинга митилар, Жалол эса ойнадан ташқарига маъносиз тикилган, хаёлида турли-туман фикрлар чарх урар, гоҳ ўзини, гоҳ Наргизани айбларди...

У билан танишган кунини ҳеч қачон унутолмас керак. Ушанда Жалол олий билимгоҳларнинг бирида — кечки бўлимда таҳсил олиб, кундузи Тўқимачилик комбинатида ишлайдиган синфдош ўртоғи Уткирнинг туғилган кунини нишонлашга борганди. Ётоқхонанинг мажлислар залига дастурхон тузашган, узун стол атрофида Уткирнинг ҳамкасб ўртоқлари жамулжам эди. У ҳам даврага қўшилди. Шу пайт дераза тарафда ўтирган попундай қизни кўрди-ю, кўзларини узолмай қолди.

— Қани, меҳмон, мана шу қадаҳини дўстингиз учун олиб юборасиз энди! — деган гапни эшитиб, хаёлини ўнглаб олди. Қўлини кўксига қўйиб, узр сўради.

— Кечирасиз, мен ичмайман.

— Э, йўқ, унақаси кетмайди, кемага тушганинг жонинг бир.

Нонлож қолгач, ўриндан туриб, дўстини табриклаган бўлди-ю, қўлидаги қадаҳини охиригача смирди. Дадиладди. Энди аввалги қисиниб-қимтиниб ўтиришдан асар ҳам қолмади. Гоҳ қизиқ-қизиқ гапларни айтиб, гоҳ шеър ўқиб, бора-бора давра соҳиблигини эгаллади. Серилтифот, хушчақчақ йигитлар ҳамма жойда ҳам қизларнинг эътиборини тортиши аниқ.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Даврадаги қизлар унинг ҳар бир гапига хандон отиб кулишарди. Ҳатто улардан бири ёнидаги дугонаси қулогига энгашиб:

— Қайлигинг шунақа йигит бўлса, умуман қаримайсан, — деди.

Дугонаси эса унинг гапини бош силкитиб маъқуллади. Лекин бунинг йигит эшитмади.

Бир пайт рақс бошланди. Май таъсирдан сархуш йигитлар қизларни бир-бир рақсга таклиф эта бошлаш-

лолмай чиқди. Қандай қилиб бўлсада, Наргиза унинг бўлиши керак!

Эртаси кун Наргизанинг ишдан чиқишини пойлади. Дугоналари кўршовида соллана-соллана қадам ташлаётган қиз уни кўрди-ю, ширин табассум ҳада қилиб, узқолашди. Бундан дадил торган Жалол уларга эргашди. Биринчи бўлиб гап бошлаш йигитларнинг чекига тушган, дея хаёлидан ўтказди. Унинг хаёлидан ўтган гапни сезгандек, қизлар орқаларига бир қараб олишдида, хо-

лурмасе туролмайдиган бўлиб қолганди.

Аммо кунлардан бирида Жалол Уткирдан бир гапни эшитди-ю, Наргизага бўлган боқира муҳаббатига дарз кетди.

— Ким билади дейсан, ҳозирги қизларга ишониб бўладими, — деди сир бермасликка ҳаракат қилиб. Лекин шу фурсат ичида хаёлидан нималар кечди — ёлғиз ўзигагина аён. Уйига келиб тўйиб ичди. Энди ичдаги алам исёнга айланганди. Тўғри Наргизанинг ётоқхонасига йўл олди. Қиз ҳам уни одатдагидек очик чехра билан қаршилади. Лекин унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати йигитни ишратга чорлаётгандек туюларди. Бағрига тортиб, бўса олди. Аввалига қиз қаршилик кўрсатмади. Лекин ҳаранатлари бежо эканлигини сезгач, кучоғидан чиқишга ҳаракат қилди. Уддасидан чиқолмагач, кўркүв аралаш чинқирди.

— Войдод, ёрдам беринглари!

Қўшни хонадаги қизлар югуриб киришди. Эшикбои кампир милиция чақирди. Ҳаммаси кўз очиб, юмғунча бўлган фурсатда ўтди. Ҳужжатлар расмийлаштирилиб, бу иш судга оширилди. Мана, энди у ҳукмда ифодаланган жазо мuddатини ўташ учун олис рус ўрмонларига қараб кетаяпти.

Ҳасадгўй кишилар томонидан айтилган бир оғиз тап икки ёш ўртасидаги биллур муҳаббатни чил-чил қилганини у энди тушуниб өтди. Шовқиддин САМИЕВ.

АЛДАНГАН ҚАЛБ АРМОНИ

ди. Магнитофон товуши бир парда баламдлатилди. Жамол боғли гўзал билан рақсда ҳам ҳаммадан устун эканлигини исботлади. Бу эса бошқаларнинг ҳамиятига теғди. Кимдир атайлаб Жалолнинг оёғини босди. У таҳдидни сезди ва бир оз ўтач, ўша йигитни билмагандек туртиб юборди.

— Кўзингга қараб ўйнасанг ўласанми!

Бу ҳақоратни ўз навбатида Жалол ҳам жавобсиз қолдирмади. Уртада жанжал бошланди. Уларни ажратиб қўйишди. Лекин даврадан файз кетганди. Қизлар «көтәмиз»га тушиб қолишди. Тарқалишди.

Уша тун Жалол умуман ўх-

халаб кулиб юборишди. Бу кулги Жалолга жуда қўл келди.

— Ҳой қизлар, кўчада қаттиқ кулманглари!

— Нега энди!

— Шўх йигитлар мафтун этса, вой, шўрим, деб қолманглари!

Бу гап ҳам қизларнинг гуррос кулгисига сабаб бўлди. Қадамини тезлаштириб, уларга етиб олди.

Бу ҳол ҳам кунини тақдорланадиган бўлди. Фақат кулдириш учун туғилган йигитни биргина Наргиза эмас, бошқалар ҳам ёқтириб қолишган эди. Лекин уларнинг дарди пинҳон. Наргиза эса шундай йигитни мафтун этганидан ошқора мағрурлар, бошқалардан қизганар, ҳатто бир

Баҳодир Адҳамов мана бир неча йилдирки, Фарғона шаҳар ИИБда меҳнат қилиб келмоқда. Эл осойишталиги йўлидаги ҳалол хизматларини қадрлаган аҳоли уни шаҳар Кенгашига ноиб қилиб сайлади. Милиция капитани ўзига билдирилган ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Суратда: Баҳодир Адҳамов.

А. Аҳмедов олган сурат.



ЎПКАНИ ҚЎЛТИҚЛАМАНГ

«Минск» белгили мотоциклнинг шамол янглиғ учиб бориши рулни бошқарётган темирчилик Сайфулла Шоймардоновни ҳам, унинг дўстларини ҳам беҳад завқлантирарди. Улар бу йўлда тезлик чегараланганини буткул унутиб қўйишганди. Оқибат эса гоёт аянчли бўлди. Улар «Гулистон» жамоа хўжалигига буриллаётиб, «Жигули» автомобилга урилди.

Шаҳримиз йўлларида юз бераётган кўнгилсиз ҳодисаларни таҳлил этсангиз,

уларнинг аксариятига оддийгина тартиб-қоидаларни менсимаслик сабаб бўлганини кўрасиз. Ег-инилоқ заводи тракторчиси Зиёд Ҳалимов, «Ешлик» клуби ҳайдовчиси Ильяс Наманов, Калинин номи давлат хўжалиги ҳайдовчиси Зариф Пулатовлар шу туфайли автофалокат содир этдилар.

Ҳозир ўқувчиларнинг ёзи таътил кунлари. Болаларни кўчага кузатаётганда, уларга гоёт эҳтиёт бўлиш кераклигини қайта-

қайта таъкидлаш зарур. Негаки, қондани яхши билмайдиган ёки уни менсимайдиган ҳайдовчилар кўп. Яқинда Р. исмли ўсмир ўзининг тенгдоши қондани бузганлиги оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Қолаверса, инсофсиз ва кўрқоқ (ҳатто бундайларни виждонсиз деб аташ керак) ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас. Фуқаро Я. Ибрагимовни яқинда қондабузар бир мотоцикл ҳайдовчиси оғир жароҳатлади. Жабрланувчига бирин-

чи ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб кетди.

Йилнинг фақат биринчи чорагида Шаҳрисабзда 11 та йўл-улов ҳодисаси рўй берганлиги қайд этилган. Шу туфайли ўн бир киши тан жароҳати олган, икки киши оламдан ўтган. Ўпканини қўлтиқлаган ҳайдовчилар шошқалоқлиги оқибатида умр ривтаси узилган бу инсонлар ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган болалар эди.

Тошўлат МУЗАФФАРОВ, Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция подполковниги.

ГИНА

ҚИЛМАСМИКАН?

Наргиза Фарғона ИИБ томонидан 1990 йилдан буён қидирлаётганди. Демак, ўша пайтда у ўн беш ёшда бўлган. Ун бешида шунча савдо, ўн олти-сиде бу гағво.

«1990 йилнинг ёз ойлари ишхонамга бир қиз келиб, мени ташқарига чақирди.

— Мени уйдан ҳайдаб юборишди. Уйингизга олиб кетинг, — деб ялина бошлади. Мен турли баҳоналар билан уни жўнатиб юбордим. Лекин у тез-тез олдинга келадиган бўлди. Ноябрда сизга совға, деб бир кийим атлас, бир шиша ароқ келтирибди. Атласни ишхонамдаги сейфга солиб қўйдим. Ароқни эса таниш ҳайдовчига бериб юбордим. Уларни ўғирлик моллар эканлигини билмаганман».

[Марҳабо А.нинг берган кўргазмаси н. в. 210].

Наргиза Усмонова 1975 йилда туғилган, маълумоти тўлиқ-сиз ўрта, муқаддам УзССР ЖМнинг 125-моддаси 2-қисми билан судланган. Фарғона шаҳар, Ленин кўчаси, 85-уйга қайд қилинган, лекин у ерда ишмайди.

Наргиза иккинчи бор ўғирликка қўл урди. Унинг тафсилоти билан танишамиз.

Бу ёқимтой қизгина дугоналари (тергов даврида аниқланмаган) Сайёра, Дилфуза, Ҳамида, Элвираларни Кува шаҳрида яшовчи таниши Манзура К.нинг уйига бошлаб боради. Эшик калити турадиган жойни билган Наргиза бемаъл хонани очди. Биргалликда 675 сўм 32 тийинлик буюмларни ўмариб чиқиб кетишган. Туман ИИБ ходимлари уни қидиришгаётган бир пайтда, жабрдийда Наргизани Кува автовокзалида қўриб қолиб, милицияни ёрдамга чақирди.

Наргиза гул юзига қора тамгани ўз қўллари билан босганини билармикан? Еки мени, ноҳақ жазолашган, деб гина қилиб юрармикан?

М. ИБРОҲИМОВА.

«МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...»

Шу йил 29 мартга ўтар кечаси Балиқчи туманидаги 32-ўрта мактаб ўқитувчиси Илҳом Холиқов, шу туманда истиқомат қиладиган, ҳеч қачонда ишламайдиган Абдумуталиб Зокиров, Хожнакбар Даминовлар Олтинкўл туманидаги Қўштепасарой қишлоғида яшовчи Усмонали Йўлчиевнинг уч бош қўйини ўғирлашди. Илҳомнинг «ВАЗ-2106» белгили В 75-23 АН рақамли машинасига ортиб, Бўз туманига қараб кетишди. Тўғри Тельман номи

жамоа хўжалигига — Абдумуталибнинг опаси Ҳанифахон Иброҳимованинг уйига боришди.

— Уртоғимнинг қўйларини шу ердаги бозорда сотмоқчимиз, — деди Абдумуталиб опасидан ўз қилмишларини яшириб. — Эшитишимизча, бу ерда нарх қимматроқ экан. Шундай қилиб, улар Пой-тўғ бозорда қўйларни 750

сўмга пуллашди. 200 сўмдан ўзаро бўлиб олишди, қолганига эса чойхонада қўлнинг ўргилсин палов дамлашди.

Лекин ўғирлик палов уларнинг ошқозонларида яхши «қазм» бўлмади. Тергов жараёнида ошхўр улфатларининг бошқа кирдикорлари ҳам очилиб қолди. Уларнинг бошқа ҳамотовоқларни қидриб топилди. Бунинг қа-

рангки, улар Тўйчи Раҳмонов, Хайрулла Абдуллаев, Дилмурод Думаров, Музаффар Қодиров, Олимжон Думаровлар билан бирга ўн уч марта давлат ва фуқаролар мол-мулкига тажовуз қилган эканлар.

М. ХОЛМАТОВ, Олтинкўл тумани ИИБ терговчиси милиция капитани.

Шанба учрашувлари

ЭГИЗАК БИОТОК СОҲИБЛАРИ

— Адаси ҳой, адаси, қаранг Ҳасан-Зухраларингиз яна алаҳсирапти, бир эскичасини қилиб ўқитворамизми? — деди Тамара ишдан эндигина қайтиб, кителени қозиққа илаётган турмуш ўртоғи Тўрабой акага.

Тўрабой ака кўча эшигидан тушаётган чироқнинг хира шуъласида соатига қараб қўйди.

— Соат бир бўлай деяпти. Шу пайтда кимнинг эшигини тақиллатасан, — ҳаёлидан ўтказди у. — Яхшиси, беминнат касалхонага олиб бора қолай. Укол-муқолдан кейин зора ўзига келиб қолишса.

Тунги тинчлики Термиз ҳайвонот боғининг шундоқ биқинида жойлашган хонадон дарвозасидан отилиб чиққан машинанинг қулоқни тешадиган сигнали бузди.

Ҳаш-паш дегунча касалхонага етиб келинди. Барака топкур шифокорлар бирпасда Ҳасан-Зухраларни муолажа қилиб, ўз ҳолатларига келтиришди.

Эр-хотин энгил нафас олишди...

Эртасига Тамара опа ўзини кўзга жой тополмай қўни-қўшнилар олдига чиқди.

— Айланай, оқсинлар, яқин ўртада мўъжизавий кучга эга бўлган аёл бор, деб эшитдим, адресини беринглар.

Биотокка эга Фотима исмли аёлнинг «Шоликора» шўро хўжалигида яшашини билиб, у ерга болаларини олиб жўнади (бу воқеа ўтган йили рўй берган эди). Фотима опа



болаларни кўрди-да, сесканиб кетди.

— Қоқиндиқ, сизнинг арзандаларингизда ток бор экан, ток. Булар қудратли одамлар бўлади, — деди у. Ва қўшиб қўйди:

— Эҳтиёт қилинг уларни, ёмон кўзлардан асраш учун мунчоқ осинг.

Тамара опа уйга қайтиб келиши биланоқ ўз фарзандларининг биотоки борлигини текшириш мақсадида улар қўлига, кейин эса кўкрагига темир қошиқларни, вилкаларни, тангаларни яқинлаштирди. Болажонларининг қўли ва баданига теккан буюмлар, ўша ернинг ўзида қолаверди.

— Вой, қудратингдан ўргинмай, яратган эгам, — деб болаларига севинч тўла кўзлари билан қаради.

Ҳозир эгизаклар 6 ёшдан 7 ёшга қадам ташладилар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.
СУРАТДА: биоток соҳиблари Зухра ва Ҳасан Ҳожиевлар.

Муаллиф олган сурат.

ТУРМУШ САВОҚЛАРИ

САВОБ

Қўшимизнинг қиз узатганига беш йилдан ошди. Қарио ёш, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар уни: «Тиниб-тинчиб кетсин», — дея дуо қилишганда, биз ҳам фотиҳага қўл очгандик.

Ана шу қизни тез-тез кўчамизда кўрадиган бўлиб қолдим. Иттифоқ автобусга чиқсам, икки қўшни аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

— Ҳозир боласини етаклаб тушиб кетган жувон маҳалламизнинг қизи бўлади.

— Аввалги ҳафта эри ажрашамиз, деб ташлаб кетибди.

— Вой, ўлмасам... ростданми?

— Ҳа, рост.

— Отаси жуда меҳнатқаш эди. Раҳматли повздинг тагида қолгандан кейин онаси шўрлик биттаю битта қизимни ўғай отага хор қилиб қўяманми, деб, бошқа турмуш қурмади. Тўғри ишга бориб, тўғри келиб, кўргани меҳнат бўлди.

— Ҳой, ўртоқжон, уларни сиз ҳам биласиз, мен ҳам. Келинг, яхшиси маҳалламиздаги хотин-қизлар қўмитаси раисига маслаҳат солиб, яраштиришга ҳаракат қилайлик.

— Еш фарзанди етим бўлмасин. Ахир, бу савобку.

— Мен ҳозир бекатда тушаман. Эртага уйдан чақирарсиз.

Шу-шу қўшни қизни кўчамизда учратмадим. Кўнглим анча ёришди. Демак, улар ярашган. Ич-ичимдан ўзгаллағамизга шерик бўлиб, ёшларини ўз вақтида изга солиб юборган аёлларга таҳсинлар ўқидим. **Маҳкам ҲАКИМОВ.**

ХАНДАЛАР

Гўшга қўйилган нархдан ранжиган харидор қассобдан сўради:

— Оғайни, виждонни ҳам қўшиб сотяпсизми?

— Қизиқ экансизку! Молда виждон нима қилади?

Йўл назоратчиси «учиб» келётган машинани зўрға тўхтатди.

— Қани, ҳужжатингизни кўрсатингчи?

— Кечирасиз, ҳужжатлар эгасида Мен уни қидириб кетяпман.

Маъмуржон БОЛТАБОВ,

◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ҚАЧОНГАЧА ШКВИРИН ҚУТҚАЗАДИ?


«Пахтакор»нинг толеига Шквирин бор экан. Бўлмаса майдондаги қолган ўн азамат рақиблардан мурувот кутиб ўтиб кетаркан. «Динамо» (Минск) жамоаси билан учрашув майдон эгалари фаоллигида бошланди. Лекин ҳимоячилар ва дарвозабон «амаҳорати» тўғайли 8-дақиқада Антонович ҳисобни очди.

Уйининг биринчи бўлимида пахтакорчилар бир не-

ча марта қулай имкониятларни бой беришди. Пятницкий, Қосимов, Новиковлар бошни чангаллашдан нарига ўтишолмади.

Яна Шквирин бақар келди. — Иккинчи бўлим бошларида Курбико қайтариб юборган тўпга у ҳимоячидан олдинроқ улгуриб, жавоб тўпини киритди. 1:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

З. СОДИҚҲУЖАЕВ.



МАНЗАРА.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.



СЕВГИНИ АСРАНГ, ДУСТЛАР!

Ҳурматли муҳаррирларим! Мен 25 июнда бошланган «Дилфуза нега севгини рад этди!» мақоласини ўқиб, баъзи фикрларимни билдирмоқчиман.

Равшанинг ёзганлари мени ва дўгоналаримни ўйлатириб қўйди. Наҳотки, қишлоқчи, милиционер, деб инсонийлик ҳадр-қимматини оёқ ости қилсан.

Дилфуза, сиз икки йил «қишлоқчи» билан гаплашгансиз. Агар севмас экансиз, нега уни шунча йил умидвор қилиб юргансиз. Вақти келиб, бу ўтган кунлар эсингизга тушганда руҳан қийнамайсизми! Сиз эмас, Равшан сизни ташлаб кетганида нима бўларди! Бир тасаввур қилинг-а...

линг-а...

Мен ҳам тошкентлиман. Исминим ҳам Дилфуза. Эҳтимол Равшанда ҳам айб бордир.

Мен икки ярим йилдан буён Рустам исмли йигитни севиб, ҳарбий хизматдан қайтишнинг кутдим. Бирон у бевафолик қилди. Қимларингидир гапларига учиб, ўз муҳаббатини паймол этди.

Дилфузахон, сиз тошкентлик йигитларининг ёлгон, баландпарвоз, қуруқ гапларига учманг. Севгингизни асранг. Ҳали ҳам кеч эмас. Нонининг уволни тутгандай, пок севгининг ҳам уволни тутмасин.

Салом билан сизга мактуб йўлловчи

ДИЛФУЗА.

ДИЛФУЗА ҲАҚ

Ҳурматли қишлоқдан чиққан милиционер ўртоқ! Сиз хафа бўлманг-у, аммо Дилфуза ҳақи Нега дерсиз?

Сиз яшайдиган қишлоқда табиий газ, иссиқ-совуқ суви, электр тоқи, катта-катта савдо дўконлари, унга мос оқ, тоза иш борми ўзи? Ана кўрдингизми... Ҳатто болалар боғчаси ҳам йўқдир-ов... Шаҳри азимда-чи? Ҳеч ким тандирда

нон ёпиб, қўлини куйдирмайди, ўчоқда овқат қилиб, қум-ғонда чой қайнатмайди. Мол-ҳолниқу кўришса: «Бу нима!» — деб ҳайратланишади. Ҳозирги ёшлар жонларини койитиб, анойи бўлибдими?

Севги-чи, дейсизми? Эҳ, Равшан, ҳозир ҳамма нарса ҳисоб-китоби.

У. ЖУРАЕВ.
ишчи.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Ловатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъинланган, 700053, Тошкент, Ленинград кўчаси, 31.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР